



СУДЬЯЛАРНИНГ ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА МОҲИЯТИ

Нодира Бобохонова

*Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий
кенгаши раисининг ўринбосари*

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва одил судловнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида судьянинг ҳуқуқий мақоми ҳамда унинг жавобгарлиги масалалари муҳим аҳамият касб этади. Жамиятнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини таъминлаш судьялардан ўз ваколатларини ҳалол ва виждонан амалга оширишни тақозо қилади. Айнан шу вазифани бажарувчи ҳуқуқий воситалардан бири судьянинг интизомий жавобгарлиги институти ҳисобланади. “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 74-77-моддаларида мазкур институт алоҳида боб доирасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Судьянинг интизомий жавобгарлиги деганда судья томонидан хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик ёхуд судьялик шаъни ва кадр-қимматига мос келмайдиган хатти-ҳаракат содир этилиши натижасида юзага келадиган ва қонунда белгиланган махсус тартибда интизомий жазо чораси қўлланилишида ифодаланадиган юридик жавобгарлик тури тушунилади. Ўз табиатида кўра у юридик жавобгарликнинг интизомий турига мансуб ҳисобланади.

Судьянинг интизомий жавобгарлиги меҳнат қонунчилигида назарда тутилган интизомий жавобгарликдан қатор жиҳатлари билан фарқланади. Судья нафақат хизмат вазифаларини бажариш чоғида, балки хизматдан ташқари вақтда содир этган, судьялик шаъни ва суднинг нуфузига доғ туширадиган хатти-ҳаракати учун ҳам жавобгар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, меҳнат ҳуқуқида интизомий жазо чораси сифатида





белгиланмаган огоҳлантириш судьяга нисбатан мустақил жазо чораси сифатида назарда тутилган.

“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 74-моддасига мувофиқ, судья фақат тегишли судьялар малака ҳайъати қарорига биноан қуйидаги ҳолларда интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин:

- одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни бузганлиги учун;
- суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари учун;
- судьялик шаъни ва кадр-қимматида доғ туширадиган ҳамда суднинг обрўсини туширадиган ножўя хатти-ҳаракат содир этганлиги учун;
- Судьялар одоби кодекси талабларини бузганлиги учун.

Келтирилган асослар судьянинг ҳам касбий фаолиятини (одил судловни амалга ошириш ва суд ишини ташкил этиш), ҳам хулқ-атворини (судьялик шаъни ва одоб қоидаларига риоя этиш) камраб олади. Бу судьяга нисбатан юқори даражадаги касбий ва ахлоқий талаблар қўйилишини англатади.

Шу билан бирга, Қонун судьянинг мустақиллигини таъминловчи муҳим қоида ҳам белгилайди: суд қарорининг юқори инстанция томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилишининг ўзи суд қарорини чиқаришда қатнашган судьянинг жавобгарлигига сабаб бўлмайди. Судья бундай ҳолатда фақат атайлаб қонун бузилишига ёки виждонсизликка йўл қўйган тақдирдагина жавобгар бўлади. Шунингдек, интизомий жазо қўлланилганидан кейин бир йил мобайнида судья 74-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни қайтадан содир этмаса, у интизомий жавобгарликка тортилмаган деб ҳисобланади.



Қонуннинг 75-моддасига кўра, судьяга нисбатан интизомий иш тегишли судьялар малака ҳайъати томонидан судья 74-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни содир этгани тўғрисидаги ариза ёки хабар бўйича ўтказилган хизмат текшируви натижаларига кўра қўзғатилади. Хизмат текшируви интизомий иш қўзғатишнинг зарурий босқичи ҳисобланиб, у қилмиш фактини, судьянинг айбини ва унинг содир этилишига имкон берган сабабларни холис аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Интизомий жавобгарликка тортишнинг батафсил процессуал тартиби Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомда белгиланган. Унга мувофиқ, судьянинг интизомий жавобгарлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарорда унинг асослари кўрсатилади. Жавобгарлик асосларига тааллуқли маълумотлар олдиндан текширилади ва судьядан ёзма шаклда тушунтириш талаб қилинади. Иш материаллари малака ҳайъатига юборилгунга қадар судья улар билан таништирилади, бунда судья қўшимча тушунтиришлар такдим этишга ёхуд қўшимча текширув ўтказишни талаб қилишга ҳақлидир. Тайёрланган қарор зарур материаллар билан бирга судьяларнинг тегишли малака ҳайъатига кўриб чиқиш учун юборилади.

Низомда интизомий жавобгарликка тортишнинг аниқ муддатлари белгиланган бўлиб, судья ножўя хатти-ҳаракат аниқланган кундан эътиборан кечи билан бир ой ичида (хизмат текширувларига кетган вақтни, судьянинг узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган вақтини ҳамда судьяларнинг малака ҳайъатида судьянинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга кетган вақтни ҳисобламаганда), аммо ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай интизомий жазога тортилиши мумкин. Зарурат бўлганда, иш кўриб чиқилишидан олдин малака ҳайъатининг раиси унинг аъзоларидан



бирига қўшимча текширув ўтказишни топширади, бунда қўшимча хужжатлар ва материаллар талаб қилиб олиниши мумкин.

Иш қўзғатиш ҳақидаги қарор ишни малака ҳайъатида кўриб чиқиш бошлангунига қадар чақириб олиниши мумкин. Бунда қарор чақириб олинаётган судья ишнинг малака ҳайъати томонидан мазмунан кўриб чиқилишини талаб қилишга ҳақли ҳисобланади.

Ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича судьялар малака ҳайъати судьяга нисбатан қуйидаги қарорлардан бирини чиқаради:

интизомий жазо бериш тўғрисида;

интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни тугатиш тўғрисида;

судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳақида тақдимнома киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун Судьялар олий кенгашига судьянинг интизомий жавобгарлиги ҳақидаги иш материалларини юбориш тўғрисида.

Агар Судьялар олий кенгаши судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш учун асослар топмаса, судьянинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги иш судьяларнинг малака ҳайъатига қайтарилади ва иш юритиш қайта тикланади.

Интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш қуйидаги асосларга кўра тугатилади:

судья интизомий жавобгарликка асоссиз тортилган бўлса;

жавобгарликка тортиш муддатлари ўтказиб юборилган бўлса;

судьянинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги иш материалларини судьяларнинг малака ҳайъати мажлисида кўриб чиқиш билангина чегараланиш лозим топилган ҳолларда интизомий жазо чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмаса.





Қонуннинг 76-моддасига мувофиқ, судьяларнинг малака ҳайъати интизомий жавобгарликка тортилган судьяга қуйидаги интизомий жазо чораларидан бирини қўллаши мумкин:

- 1) огоҳлантириш;
- 2) ҳайфсан;
- 3) ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима;
- 4) малака даражасини бир поғонага пасайтириш;
- 5) ваколатларини муддатидан илгари тугатиш.

Жазо чоралари оғирлик даражасига кўра кетма-кет жойлаштирилган. Энг енгил чора огоҳлантириш бўлса, энг оғири судья ваколатларини муддатидан илгари тугатишдир. Интизомий жазо чоралари қўлланилаётганда қоидабузарликнинг хусусияти ва оқибатлари, ножўя ҳатти-ҳаракатнинг оғир-енгиллиги, судьянинг шахси ҳамда айбдорлик даражаси инобатга олинади. Бу жазонинг содир этилган қилмишга мутаносиб бўлишини ҳамда малака ҳайъати томонидан ҳар бир ишнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб баҳоланишини таъминлайди.

Қонуннинг 77-моддасига мувофиқ, судьялар малака ҳайъатининг интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги қарори устидан Судьялар олий малака ҳайъатига, Судьялар олий малака ҳайъатининг қарори устидан эса Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига шикоят берилиши мумкин. Шу тариқа интизомий ишлар бўйича кўп босқичли кўриб чиқиш тизими белгиланган бўлиб, у қабул қилинган қарорнинг қайта кўриб чиқирилишини таъминлайди.

Интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўриш ваколати малака ҳайъатлари ўртасида тақсимланган. Судьяларнинг олий малака ҳайъати юқори ва раҳбар лавозимлардаги судьяларнинг, жумладан Олий суд судьялари, ҳудудий судлар раислари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда





Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги ишларни кўради. Судьялар малака ҳайъатлари эса ўз ваколатлари доирасидаги судьяларнинг ишларини кўриб чиқади. Судьяларнинг олий малака ҳайъати Ўзбекистон Республикаси судьялари курултойи томонидан, бошқа малака ҳайъатлари эса тегишли судьялар конференцияларида беш йил муддатга сайланади.

“Судлар тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, судьялар малака ҳайъатлари судьянинг интизомий жавобгарлигидан ташқари, унинг ваколатларини тўхтатиб туриш ёки муддатидан илгари тугатиш, дахлсизлигини таъминлаш, малака даражасини бериш ҳамда қасамёд ва Судьялар одоби кодексига риоя этилиши устидан назорат қилиш масалаларини ҳам кўриб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига унинг вазифаларини бажаришда кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг мустақил органи бўлиб, у судьялар корпусининг шакллантирилишини, суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлайди. “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунга кўра, Судьялар олий кенгаши судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади, материалларни тегишли малака ҳайъатларига юборади, судьяларга нисбатан хизмат текширувини ўтказиш тартибини белгилайди ҳамда интизомий амалиётнинг қонунийлиги ва ягоналигини таъминлашга хизмат қилади.

Юқоридагилардан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида судьяларнинг интизомий жавобгарлиги яхлит ҳуқуқий механизм сифатида шаклланган бўлиб, у амалдаги қонун ҳужжатлари билан изчил тартибга солинган. Жавобгарлик асослари “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 74-





моддасида белгиланган; интизомий иш 75-моддага мувофиқ хизмат текшируви натижалари асосида малака ҳайъати томонидан кўзғатилади; 76-моддада қўлланиладиган жазо чоралари кўзда тутилган; 77-моддада қарор устидан шикоят тартиби белгиланган.

Мазкур тартиб судьянинг мустақиллиги ва дахлсизлиги билан суд ҳокимиятига бўлган ижтимоий ишончни ўзаро мувозанатда сақлашга қаратилган. Суд қарорининг бекор қилиниши судьяни автоматик тарзда жавобгар қилмаслиги қоидаси, ишни хизмат текширувига асосланган тартибда кўзғатиш, судьянинг ёзма тушунтириш бериши ва иш материаллари билан танишиши, жазонинг мутаносиблик тамойили асосида қўлланилиши ҳамда кўп босқичли шикоят тизими судьянинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлайди ва интизомий жавобгарлик амалиётининг қонунийлигини мустаҳкамлайди.